

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“Янна буюртмачи хизмати”  
инжиниринг компанияси  
директори

Ш.Отаев

.2022 йил



**Буюртмачи:** Янгиариқ тумани "Чақир" МФЙ (1,6км), "Қўшлоқ" МФЙ (1,0км), "Остона" МФЙ (0,4км), "Чақир" МФЙ (0,7км), "Таган" МФЙ (0,27км), "Огахий" МФЙ (0,65км), "Ангариқ" МФЙ (0,68км), "Уйғур" МФЙ (0,13км), "Вакиллар" МФЙ (0,8км), "Севган" МФЙ (0,32км), "Урганч" МФЙ (1,46км), жами 8,0 км Кластер усулида цемент-бетон қопламага ўтказиладиган ички йўлларни жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишига

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Урганч шаҳри -2022



## **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқарув Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоилиларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чикилди

### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Хизматда шартнома асосида Янгиариқ тумани "Чақир" МФЙ (1,6км), "Кўшлоқ" МФЙ (1,0км), "Остона" МФЙ (0,4км), "Чақир" МФЙ (0,7км), "Таган" МФЙ (0,27км), "Огахий" МФЙ (0,65км), "Ангариқ" МФЙ (0,68км), "Уйғур" МФЙ (0,13км), "Вакиллар" МФЙ (0,8км), "Севган" МФЙ (0,32км), "Урганч" МФЙ (1,46км), жами 8,0 км Кластер усулида цемент-бетон қопламага ўтказиладиган ички йўлларни жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиш учун (Лойиҳа смета хужжатлари, Топосёмка, геология ва муаллифлик назоратини юритишни ўз ичига олган ҳолда).

1.2. Танлов қиймати – 131 783,2 (Бир юз ўттиз бир миллион етти юз саксон уч минг икки юз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий қўча 23-уй  
Эл.манзил: xorazm\_ik@mail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.  
3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма

маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, хукуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойихалаштирилдиган обьект лойихалаштириш тоифасига кўра 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш обьекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3,3 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги ва олдин ишлаган обьектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

3,4 Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат килишга хақлидирлар.